

**«ХАФТ ГУЛШАН»**

(Умархон вафотидан кейин Нодирага багишлаб ёзилган)

Х и к о я т

Мусофир хомаи мушкин шамома,  
Жахон лавхига мундог ёзди нома:  
Бор эрди Рум аро бир хишт резе,  
Бисотида топилмай бир пашезе.  
Жахон гулзори ичра ўтти ноком,  
Тирикликдин узулди меваси хом.  
Анинг бир ўгли бор эрди аламлик,  
Кечиб умри жафо уйида гамлик.  
Тани офат кушига эрди дона,  
Хаводис ўкига кўнгли нишона.  
Атодин колмади мерос амвол,  
Анга жуз колаби фарсуда ахвол,  
Гам ахли хотири янглиг бузулгон,  
Анинг тўрт гўшаси хар ён узулгон.  
Бу хасратдин кўзини об айлаб,  
Кўнгул гулзорини хуноб айлаб.  
Аносига деди ул босаодат:  
— Неча кунлар манга берсанг ижозат,  
Сафар айлаб, бошим олиб кетойин,  
Ўзум хар ён юрубон сайр этойин,  
Сафарнинг мехнати аъзони ранжи,  
Эрур хори ватан кўнгул шиканжи.  
Аноси манъи учун килди ибром,  
Ани кўнгил куши топмоди ором.  
Хавойи сайр ани бошига тушуб,  
Бориб савдо эли бирла кўрушуб.  
Неча ой юрди савдогар била йўл,  
Тамошо айлабон кўп дашт ила чўл.  
Хама сурди Адан мулкига махмил,  
Килиб савдо эли бир ерга манзил.  
Аларга ул макон эрди муайян,  
Зару зевар била топгон музайян.  
Назар килмай биров ул бенавога,  
Хама машгул ўлуб байъу широга.  
Гаму мехнат ўзига ёри айлаб,  
Кўзин ёшин юзига жори айлаб.  
Бориб вайронаеда топти ором,  
Сариг юз, кон ёш ила субхдин шом.  
Келибон карвони кишвари жуъ,

Хаё савдогарини килди мамнунъ.  
Каро тун кўз чирोगи хира килди,  
Қўнгул ойинасини тира килди.  
Ўшал дам ихтиёр этти гадолиг,  
Килиб хар тун бу янглиг бенаволиг,  
Казодин бор эди ул ерда бир бой,  
Анинг кизи эди гўё тўлун ой,  
Не ой ул, офтоби ховаридек,  
Ики лаб ики гул барги таридек.  
Эди бошдин аёғ ганжи илохи,  
Ики аждар, ики зулфи сиёхи.  
Килиб бир хоине анга хиёнат,  
Тушуб эрди ўшал ганж узра офат.  
Ушотиб эрди ул махкам тилисмин,  
Уруб хат барги гулга ёзган исмин.  
Эди ул бир гани ўглига тазвиж,  
Экан моли баробар ила тадриж.  
Ўтиб бир йил аларнинг рўзгори,  
Уруш эрди жамии кору бори,  
Мувофик ишлари эрди мухолиф,  
Мубаддал амният мулкига хоиф.  
Садокат риштаси ул дам узулди,  
Ани сарриштаи уйи бузулди.  
Йигит ул нозанинга кахр айлаб,  
Маишат шарбатини захр айлаб,  
Килибон ул замони уч талок ул,  
Газабдин ўртага солди фирок ул.  
Ўшал сайёди беидроки магрур,  
Ўшандок кушни кўлдин айлади дур,  
Учуб кўнди атосин хонасига,  
Таваллуд айлаган кошонасига.  
Муаттар айлади ул ерни бўйи,  
Ки тўлди бахту давлат бирла уйи.  
Неча кун ўтди ул уй ичра муддат,  
Шариат ойи бирла чикти иддат.  
Фазойил халки айлаб рахнамолик,  
Ки то эткай экави ошнолик.  
Келиш, бориш арода бўлди кам, кам,  
Ки акд ила узук то бўлса махкам.  
Иложин топмадилар ахли такмил,  
Шариат хукми бирла гайри тахлил.  
Киши то килмаса они халола,  
Ки тушгай маъсият бирла вубола.  
Бу сирдин айладилар барча кенгош,  
Халойик ичра ногах бўлмагай фош.  
Агар шахр элидин бўлса мароми,

Килур беобрў номусу номи.  
Бу дамда топтилар хиштрездода,  
Ким олгай мол, пулдин истифода.  
Гарибу муфлису зору гадодур,  
Бу ерда молу пулга ошнодур.  
Шариат хукми бирла ушбу муфлис,  
Бўлур бону била бир кеча мунис.  
Талок айлаб кетар ул аввали субх,  
Бу иш номус элига бўлмагай кубх.  
Олиб келди шабистонига мухбир,  
Эшикда турдилар бирнеча хозир.  
Назар килди, кўрунди бир париваш,  
Кўнгилни офати, берахми саркаш.  
Анингдек кўрмаган харгиз тушида,  
Гахе беҳуш эди, гоҳе хушида.  
Бўлуб маҳкам анинг бошдин аёғи,  
Ики зулфи бўлуб банду тузоғи.  
Висол ичра они кўйдурди хажри,  
Ки ширин жонидин тўйдурди хажри,  
Тушуб кўнглига онинг буду асли,  
Бўлубон талх анда ёр васли,  
Танин ўртади жонининг сафири,  
Бўлуб эрди анинг зору асири.  
Неча тадбир ила ул зори ноком,  
Ушал кушни ўзига айлади ром.  
Команди хийла бирла банд килди,  
Аёгин бандига пайванд килди.  
Деди:— Эй, гул узори мохи офок,  
Ки ишк ичра юроким айладинг ток.  
На кўрдунг ул кадимги бевафодин,  
Кўнгил уйинда жуз жавру жафодин.  
Узук йипга улоқдур раҳнамуни,  
Ва лекин ўртада колгай тугуни.  
Сен эй дур, киммагингни мен билурман,  
Нисоринг жавхари жоним килурман.  
Юзунгни бир кўруб бўлдум гирифтор,  
Манингдек йўк санга харгиз харидор.  
Ёрут кўзумни шамъи хона янглиг,  
Куюбман васл аро парвона янглиг.  
Сен эй жоним, мани бечора килма,  
Эшикларда баса овора килма.  
Пари пайкар этиб бу сўзни тахкик,  
Тасаввур айладию килди тасдик.  
Арода аҳду паймон бўлди маҳкам,  
Гадо бўлди бу ишдин шоду хуррам.  
Чу килди бу кора тун зоғи парвоз.

Баланд этти хуруси субх овоз.  
Нигохбон уйкудин бедор этти,  
Маишат мастини хушёр этти.  
Деди:— Эй мехмонким колма йўлдин  
Гадолик шевасни берма кўлдин.  
Бу молу тангани айла захира,  
Ўзунгни тўйдуруб нону фатира.  
Бу элнинг обрўси то тўкулмай,  
Либоси нангу номуси сўкулмай,  
Талок айла будам зебс санамни,  
Йирок кишвар сари кўйгил кадамни.  
Ким ул махзуни дарди бедаволик.  
Кокиб ул ерда кўси беҳаёлик.  
Деди:— Не деб маним уйим бузарсиз,  
Тазаввуж акдини кайдин узарсиз?  
Шариат бирла истихком топган,  
Бу ишдин жону дил ором топган.  
Хама хайрон гадонинг ишларига.  
Тафаккур илгин элтиб тишларига.  
Тонг отди, кун ёруди, ушбу мазкур  
Махалла халки ичра бўлди машхур.  
Килибон машварат элнинг тамоми,  
Йигилиб келди барча хосу оми,  
Шариат хукмини андеша айлаб,  
Дедилар яхшилигин пеша айлаб;  
Эшикларда юруган бир гадосен,  
Факиру муфлису бас бенавосен.  
Гани эрур баса кизнинг атоси,  
Неча Хотам эрур онинг гадоси,  
Анинг кизи билан хамкуфв эмассан.  
Анинг бирла баробарман демассан.  
Тамом ўлди анга бозийи шатранж,  
Якиндур мот ўлгай ул сухан санж.  
Хам ул дам коматин озод айлаб,  
Аларга хилае бунёд айлаб.  
Деди:— Гар айласангиз сўзни бовар,  
Баён айлай ўз ахволимни яксар.  
Анинг сўзи аларга бўлди маъкул,  
Баён айларга ул дам бўлди машгул.  
Деди:— Эрдим ўгул ман комронга,  
Эди ул бошчи барча корвонга.  
Анинг моли жахон мулкани туткан,  
Ким онинг шухрати оламини туткан.  
Атомни неча ўгли бор эрди,  
Кеча-кундуз атомга ёр эрди.  
Манга ул барчадин мехри зиёда,

Алурдим мол, пулдин истифода.  
Тун. окшом базмаро ишратда эрдим,  
Саломат мулкида рохатда эрдим.  
Мулозим, ходими заррин камарлар,  
Мусохиб гул узори симбарлар.  
Хавойи сайри олам тушти бошка,  
Солиб туфрок, ўзум рохатлик ошка.  
Атомдин олдим ушбу ишга рухсат,  
Дилу жони била берди ижозат.  
Неча тева, неча оту неча фил,  
Аларга юклатиб ажноси бе кил.  
Неча кулни маига хамрох этти,  
Мени ул дам аларга шох этти.  
Неча савдогар ила йўлга туштук.  
Туну кун дашту сахрода юруштук.  
Карокчи тегди бизларга казодин,  
Фалак титради фарёди наводин.  
Тижорат ахлин урён айладилар,  
Халойикларни гирён айладилар.  
Кумошу мол ўшал дам топти торож,  
Келиб эрдим буён очу ялангоч.  
Кишидин кўрмадим хеч ошнолик,  
Бу ншдин айладим охир гадолик.  
Умид ул ким атом топса хабарлар,  
Юборгай манга оту симу зарлар.  
Адан халки эшитиб бўлди хайрон,  
Анинг холига бўлди кўнгли вайрон.  
Дедилар: —Комрон фарзанди бўлсанг,  
Анинг тан риштасин пайванди бўлсанг,  
Санга бўлсун муборзк ушбу бону,  
Ки айш айла анга зону базону.  
Агар такзиб бўлса ушбу атвор,  
Жудо килмок эрур еандин сазовор.  
Бу янглиг шарт ила ул эл била бой,  
Ки мухлат айладилар анга бир ой,  
Бу ранг ила аларни айлади гул,  
Ки харкайси уйига туттилар йўл.  
Даме ким, тотса жоми шодмондин,  
Эрур беҳрок умри жовидондин.  
Висол ичра куну тун килмади фарк,  
Анинг хуснига бўлди он кадар гарк.  
Ўтадур барк янглир шодмонлик,  
Кўрунурким ниҳоятсиз ёмонлик.  
Дам ўтмай бўлди бир кам ўттуз озод,  
Етишти бир замони вакти миод.  
Тушуб эрди кўнгилга хажр ваҳми,

Бўлуб зойил анинг идрок, фахми,  
Ки хижрон кечаси эмди ёвушти,  
Гаму кулфат ўти багрига тушти.  
Бузулди кўнгли они, бўлди музтар.  
Деди, эй подшохи хайи акбар,  
Бу дардимга даво килгучи сансан,  
Ки хожотим раво килгучн сансан.  
Сени лутфингдин ўзга йўк мададгор,  
Эрур маълум санга ушбу асрор.  
Хазин овоз бирла йиглар эрди,  
Худойига муножот айлар эрди.  
Казодин ул Аданнинг подшохи,  
Нихоятсиз эди хайлу сипохи.  
Адолат мулкининг султони эрди,  
Саховат кишварининг хони эрди.  
Ки хар тун суратин тагйир айлаб,  
Юрурди кеча бу тазвир айлаб.  
Бу янглиг хол ила ул сохиб асрор,  
Бўлур эрди вилоятдин хабардор.  
Дуогў ким эрур, бадхох кимдур,  
Ки фосик ким эрур, огсх кимдур,  
Нечук эл золим эрур, кайси мазлум,  
Бўлур эрди бу ишлар анга маълум,  
Берурди зулм ахлига мукофот,  
Топиб андин тазаллум ахлн хожот,  
Бу янглиг шевани ўзига одат  
Килиб билур эди навъи ибодат.  
Бу тун хам подшоҳга сайр эрди,  
Ани касди бу ишдин хайр эрди.  
Гадонинг байтул-ахзонига етти,  
Навоу оху афгонига етти.  
Даранг эйлаб, хамон дам айлади гўш,  
Килиб таъсир анга бўлди бехуш.  
Келиб хушига ул жонибга бокиб,  
Буёнга чорлади эшикни кокиб.  
Йигит чиктию айлади мулокот,  
Икави бир-бирини сўрдилар от.  
Шох онинг холатини сўрди бир-бир,  
Йигит аввалдин-охир этти тақрир.  
Ки шахни холати бўлди дигаргун,  
Юраги бўлди пора, кўзлари хун.  
Деди: мен хам мусофирман сенингдек,  
Сани дардинг эрур гўё менингдек.  
Дебон даргохига ёнди шаханшоҳ,  
Бўлубон ул йигит холидин оғох.  
Ким ул султон эконин билгани йўк,

Хаёлига бу сурат келгани йўк.  
Кириб ўлтурди меҳнатхонасида,  
Гаму хасрат била кошонасида.  
Чу тун эулматларин килмок. учун гум,  
Фалак тахтига чикти хохи анжум.  
Жахон ахлига партавдин зару сим,  
Карам айлаб баробар килди таксим.  
Адан хохи бу янглиг минди тахтин,  
Ейиб олдига зарбафт ила рахтин.  
Кўлига бебахо дурларни олди,  
Барисин жамъ этиб рахтига солди,  
Бировни чорлади ул хизматига,  
Ани шод этти нозу неъматига.  
Анга кўп ваъдалар бунёд килди,  
Кўнгил вайронаси обод килди.  
Вале эрмас эди бу шаҳр элидин,  
Киши фахм айламас савту тилидин.  
Бу асрор ичра они махрам айлаб,  
Вале огзини кўп мустахкам айлаб.  
Деди: бу хизматим шойиста килгил,  
Тахиммул айлабон охиста килгил.  
Бир отга рахту борин танг ойлаб,  
Анга топшурди бу найранг айлаб.  
Сўрай, сўрай фалон бой уйига ет,  
Кўёвини топиб, анга бу ранг эт.  
Ўпуб илгин мулокот айлагил сахт,  
Ато айлаб анга бу от ила рахт.  
Атосига ўзингни ходим айла.  
Бу хизматни ўзингга лозим айла.  
Ениб, кайтиб мени олдимга келгил.  
Фаросат айлаю, бу сўзни билгил.  
Кабул айлаб ўшал дам йўлга тушти,  
Топибон ул йигит бирла кўрушти,  
Кўруб, йиглаб кўзини ёш айлаб,  
Шах айгон сўзларини фош айлаб.  
Атонг айди саломи бенихоят,  
Мулозимлорина беҳадду гоят.  
Деди: фарзандима айла тамаллук,  
Жамии молу пул андин тасаддук.  
Сенинг хажрингда кўзи хира бўлди,  
Кўнгул миръоти бул дам тира бўлди.  
Эшиттиким, олибсан мундэ хотун,  
Аларни кўнгли бўлди анда махзун.  
Бу эл сендин килибдур мунда номус,  
Халойиклар этибдур анда афсус.  
Юборди от ила бу рахти борин,

Кечургай ишрат ила рўзгорин.  
Бу найранг айлади, бўлди равона,  
Йигит олдига келди ахли хона.  
Бўлубон жону дил бирла харидор,  
Хама эл бирла айлаб узри бисёр,  
Йигит бу шевага айлаб тафаккур,  
Топибон хар замон холи тагайюр,  
Икинчи кун яна султони ховар,  
Уруж этти макоми тахти ахзар!  
Жахонга фарш этиб заррин тўшакни,  
Мунаввар айлади сакфи фалакни.  
Сарир узра миниб шохи карам кеш,  
Фалак мавкиб, малак хў, хайр андеш.  
Бировни чорлади доги бу мастур,  
Атосини тилидин ёзди маншур,  
Эрур мактуб ёлгон гойибидин,  
Келибдур комронни жонибидин.  
Ани мазмуни ул ким эй шаханшоҳ,  
Бўлунг фарзандим ахволидин огоҳ.  
Мени ўлтурди фарзандим фироки  
Эрур монеъ манга йўлни йироки.  
Мухиббо, ошнолик хурматидин,  
Ки фарзанду отолик хурматидин.  
Кеча-кундуз ани базмингга хос эт,  
Жафою жавру мехнатдин халос эт.  
Анга берди бу хижрон рукъасини,  
Аён айлаб йигитни букъасини.  
Махалла ахли нчра плкига бер,  
Китобатни баёнин айла тгкрир.  
Олиб келгил йигитни хазратимга,  
Мушарраф айла жоҳу хашматимга.  
Расул айди келиб шахнинг паёмин,  
Мубайян айлади сўзни тамомин.  
Анга хамроҳ ўлуб кизнинг атоси,  
Келиб шах хизматига иккалоси.  
Йигитни чорлабон олдига олиб,  
Тараххум илгини бўйнига солиб,  
Этиб жавру жафосига таассуф,  
Хилур эрди анга хардам талаттуф.  
Зару хилъат ила айлаб сарафроз,  
Эвиги киз атосин ёндуруб боз.  
Хамул дам подшоҳи босаховат,  
Йигит бирла килиб ул ерда хилват,  
Баён этти хама килгонларини,  
Анинг ахволини билгонларини.  
Деди: бўлсун бу сир эл ичра пинхон,

Ки то топилмагай айшингга нуксон.  
Карамдин айби узра парда ёпти,  
Саховатдин ани кўнглини топти.  
Килибон барча асрорига махрам,  
Бўлубон базми хосига мукаррам,  
Фано бўлгунча хохи комгори,  
Кечурди ушбу янглиг рўзгори.  
Кима бўлса агэр давлат муяссар,  
Бу янглиг бўлгуси бечорапарвар,  
Илохи айла оярни мукаррам,  
Ики фарзанди бирла шоду хуррам.  
Аларнинг умрини айла зиёда,  
Хама баста ишин килгил кушода.  
Хамул султон каби мискиннавоз эт,  
Аларнинг тигини душман гудоз эт.  
Икав бўлсин куёш янглиг жахонгир,  
Жахон йўк балки мулки осмон гир.  
Аларнинг зотини тутгил саломат,  
Замона шиддатидин келса офат.  
Жахон гулзорн ичра комрон эт.  
Барини давлатидин шодмон эт.  
Аларга тушмасун хижрон балоси,  
Омон бўлсун икавининг аноси.  
Илохи сўзларимни дил псанд эт,  
Карам бирла атодин бахраманд эт.